O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 29 MAY ◆ SESHANBA ◆ № 61 (26.763)

«ЭЛ АЛ» ЎЗБЕКИСТОНДА

1992 йил сентябрида Тель-Авивда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ваколатхонаси очилган ва Исроил давлатига мунтазам қатновлар бошланганди. Бугун ҳафтасига уч марта парвозлар амалга оширилаётир. Мана энди Исроилнинг «Эл Ал» авиакомпанияси ваколатхонаси ҳам мамлакатимиз пойтахтида фаолият кўрсата бошлади. Жаҳондаги етакчи ва тез ривожланаётган авиакомпаниялардан бири ҳисобланган «Эл Ал» дунё бўйлаб 50 дан ортиқ йўналиш бўйича парвозларни бажараётир. Йилига уч миллиондан ортиқ йўловчи унинг хизматларидан фойдаланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳаво қатновлари тўғрисидаги битимга мувофиқ «Эл Ал»нинг Тошкентдаги ваколатхонаси авиачипталарни сотади. Тошкент — Тель-Авив мунтазам қатновларини бажараётган миллий авиакомпаниямиз самолётларидаги йўловчи ўринлари учун квота ажратилган.

«Эл Ал»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош агенти жаноб Алекс Торбиловнинг таъкидлашича, истиқболда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва йўловчилар оқимини ошириш мақсадида сайёҳлик соҳасида ҳам сервисни ташкиллаштириш режалаштирилмоқда. Зеро, исроиллик сайёҳлар учун қадимий ўзбек шаҳарлари обидалари билан танишиш қизиқарли бўлади. Ваколатхона, шунингдек, реклама компанияларини ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва Ўзбекистон бўйлаб амалий сафарларни амалга оширишни кўзламоқда.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРИ

РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Ривожланиш йўлидан одимлаётган мамлакатда нодавлат, нотижорат ташкилотларининг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда республикамизда ана шундай ташкилотлардан бир қанчаси фаолият кўрсатмоқда. Бу эса жамиятда бир мунча бўлса-да, ўзгариш ясайди, тараққиёт сари етаклайди. Аслида бу каби ташкилотларнинг ўсиб ва кўпайиб бориши мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларидаги тараққиётининг омилидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клубида «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар — ёшлар учун» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳозирги шароитда нодавлат ташкилотларининг ўрни ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди. «Истиқбол» клуби аъзолари билан бўлган учрашувда «Устоз», «Болалар» жамғармалари, республика «Оила» илмий-амалий маркази ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли**

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

BU dunyoning ishlari

ЕЛЬЦИН ХИТОЙДА ДАВОЛАНМОҚДА

Россиянинг собиқ президенти Борис Ельцин Цзян Цзэминнинг меҳмони сифатида Хитойга ташриф буюрди. Унга турмуш ўртоғи Наина ва қизи Татьяналар ҳамроҳлик қилишмоқда. Ташрифдан асосий мақсад собиқ президент соғлиғини хитой халқ табобати усуллари асосида даволатишдир. Тиббий муолажалар Сариқ денгиз бўйида жойлашган Далянь шаҳрида олиб борилади.

ФАЗОГИР АЁЛ ҲАЛОКАТИ

Ҳа, чексиз самоларда ажали етмаган АҚШлик фазогир аёл Патрисия Хильярд Робертсон авиаҳалокат оқибатида ҳалок бўлди. У билан бирга бўлган учувчи Рой Адамснинг ҳам аҳволи оғир. Ҳалокат Техас штатида машғулотлар пайтида содир бўлган.

«МИЛАН» ЎЙИНЧИСИ ТАНГ АҲВОЛДА

Италиянинг «Милан» ва Грузия терма жамоаси ҳимоячиси Каха Каладзенинг укасини ўғирлаб кетган жиноятчилар уни озод қилиш учун 600 минг доллар талаб қиляпти. Агар пул тўланмаса, улар Леван Каладзени ўлдиришини маълум қилди. Леван Каладзе беш кун муқаддам Тбилисида ўғирлаб кетилган эди.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Буюк Британиянинг Олдем шаҳрида ёшлар ва полиция ўртасидаги қақшатқич тўқнашувлар икки кундирки тингани йўқ. Полиция уларни ҳибсга олишда давом этмоқда. Келиб чиқиши Осиё мамлакатларидан бўлган ёшлар ҳукуматнинг ўз муаммоларига бефарқлиги сабабли дўконларни ёқиб юбормоқда. Тўқнашувлар бошқа шаҳарларга ҳам тарқаляпти.

АҚШДА ХОТИРА КУНИ

Майнинг охирги душанбаси АҚШда Хотира куни сифатида нишонланди. Америкаликлар жанговар ҳаракатларда ҳалок бўлган ватандошларини хотирлаш билан бирга, урушлардаги ғалабаларини ҳам нишонлаяпти. Хотира куни-да АҚШ Президенти Жорж Буш Вашингтон яқинида жойлашган Арлингтон миллий қабристонидаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

МАРРА

ПИЛЛА БАРАКАЛИ БЎЛДИ

(МУХБИРЛАРИМИЗ ЖОЙЛАРДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР)

Янги асрнинг илк йили Наманган вилояти меҳнаткашлари учун баракали келмоқда. Жумладан, пиллачилар меҳнати самара кўрсатди. Шартнома режасида кўзда тутилганидан 20 тонна кўп — 2030 тонна хомашё тайёрланди.

Пиллани плёнка остида парваришлашни тажриба қилиш ютуқнинг асосий омили бўлди. Наманган туманидаги «Ғайрат», Уйчи туманидаги Бобур номли, Учқўрғон туманидаги «Учқўрғон» ширкат хўжаликларида янги усул билан ипак қурти парваришлаш ҳар қути ҳисобига 60-67 кг. гача хомашё етиштириш имконини берди.

Пиллачиликдан 1 млрд. 171 млн. сўм даромад қилган наманганликлар яна 220 тонна кумуш тола тайёрлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Сирдарё вилояти пиллакорлари янги маррани забт этдилар. 380 тонналик марра эгалланиб, зиммадаги топшириқ адо этилган эди. Эндиликда бу кўрсаткич 400 тоннага етказилди ва шартнома бўйича белгиланган пилла ортиғи билан бажарилди. Вилоятнинг Сайхунобод, Оқолтин, Ш. Рашидов, Боёвут туманлари пиллакорлари, айниқса, баракали меҳнат қилдилар. Оқолтин, Сайхунобод туманларининг ҳар бирида 80 тоннадан ошириб пилла тайёрланди. Оқолтинлик Иноятхон Ҳошимова, Мақсад Мирзаева ҳамда бошқа қатор пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан 70-80 килограммдан пилла олишиб, илғор бўлдилар.

Сирдарё вилояти пиллакорлари белгиланган шартномага қўшимча яна 10 тонна пилла сотиб, умумий хирмонни 410 тоннага етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Андижон вилояти пиллакорлари 2300 тоннага яқин пилла топшириб, шартномавий режаларини бажардилар. Ҳосилнинг 85 фоизи олий ва биринчи навларга топширилди. Ҳар қути ипак қурти уруғидан олинган ҳосил 51,3 килограммданга тўғри келди.

Плёнка ёрдамида ипак қуртини парваришлашдек янги усул кенг қўлланилди.

Андижон вилоятининг улкан пилла хирмонига Асака, Шаҳрихон, Балиқчи, Улуғнор, Олтинкўл, Избоскан, Андижон, Бўз, Пахтаобод туманлари меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Марҳамат, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Жалолқудуқ, Булоқбоши туманларида пилла хирмони кунданкунга юксалиб бормоқда.

Андижонлик заршунослар яна 150 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

АНДИЖОНДА ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Республика Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон вилояти ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ва республика театр ижодкорлари уюшмаси мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги ҳамда «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб Андижонда «Андижон баҳори — 2001» халқаро театр санъати фестивалини ташкил этдилар.

Бундан икки йил аввал илк бор ўтказилган бу фестиваль анъанага айланди. Ўзгача безанган Андижон 30 майгача Қозоғистон, Қирғизистон ва Тошкент шаҳри ҳамда қатор вилоятлар театрлари ижодий жамоаларига бағрикенглик билан мезбонлик қилади. «Андижон баҳори — 2001» халқаро театр санъати фестивали қатнашчилари бўлган театрлар ижодий жамоалари истиқлол, миллий қадриятлар, урф-одатлар, дўстлик, тинчлик, санъат, соғлом турмуш тарзи, фидойиликка йўғрилган, ҳаётий муаммоларни кўтарган спектаклларни Бобур номли Андижон вилоят мусиқали ва драма театрида, А. Бакиров номли ёшлар театрида намойиш қиладилар. Драматургия, спектаклларда замон қаҳрамонлари талқини мавзуларида давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилади.

Фестивалнинг биринчи куни Сурхондарё вилояти мусиқа театр жамоаси Х. Хурсандовнинг «Ўлдинг, азиз бўлдинг», Муқимий номли ўзбек давлат мусиқали театрининг Санжарали Имомов қаламига мансуб «Супер қайнона», Бобур номли Андижон вилоят театри Усмон Азимнинг «Алпомишнинг қайтиши» спектакллари қўйилиши билан бошланди.

«Андижон баҳори — 2001» фестивали санъат, театр анжумани бўлибгина қолмай, дўстликни тараннум этувчи, кўнгилларга маънавий озиқ берувчи тадбир сифатида кўпчиликни қувонтирмоқда.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 29 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	184,77	10 Люксембург франки	75,61
1 Австрия шиллинги	22,16	1 Малайзия рингити	93,50
1 Англия фунт стерлинги	505,04	1 Германия маркаси	155,94
10 Бельгия франки	75,61	1 Польша злотийси	88,48
1 Голландия гульдени	138,40	1 СДР	446,17
10 Греция драхмаси	8,96	1000 Туркия лираси	0,32
1 Дания кронаси	40,92	1 Финляндия маркаси	51,30
1 БАА дирхами	96,73	1 Франция франки	46,50
1 АҚШ доллари	355,26	1 Швейцария франки	199,90
1 Миср фунти	91,80	1 ЕВРО	304,99
10 Испания песети	18,33	10 Жанубий Корея вони	2,74
100 Италия лираси	15,75	10 Япония иенаси	29,38
1 Канада доллари	229,82	1 Россия рубли	12,22
1 Хитой юани	42,92	1 Украина гривнаси	65,65

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

ойдин ЙЎЛ

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни четга сотиш, хорижий товар ва хизматларни Ўзбекистон бозорига кириб келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада иқтисодиётимизда рақобатбардошлик асосий ўринни эгалламоқда.

Биргина енгил саноатда шу кеча-кундузда олиб борилаётган ислоҳотларга назар ташлайдиган бўлсак, пахта тозалаш, тўқимачилик, ип ва ипак йигириш сингари кўплаб соҳаларни замонавийлаштириш, дунё бозорида Ўзбекистон тамғаси босилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўладиган улкан тўқимачилик тизимларини яратиш борасида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Фикримизнинг ёрқин далили сифатида Японияннг «Жайдо» фирмаси билан ҳамкорликда ипак-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Силк-Роад», Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги «Аснамтекстиль», терини қайта ишлаш йўналишида фаолият юритаётган «Касмир — Дери», жунни қайта ишлаш бўйича «Косонсой — Текмен», «Поп — Фен» сингари кўплаб қўшма корхоналарни мисол қилиш кифоя.



Мана бир йилдирки, пойтахт вилоятининг Чиноз туманида ҳам пахта хомашёсини қайта ишлаб, уни тайёр маҳсулотга айлантирадиган «Чиноз тўқимачи ЛТД» ўзбек-турк-япон қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. Мазкур қўшма корхона таъсисчилари Ўзбекистон томонидан «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ҳамда «Енгилсаноатинвест» акциядорлик жамияти бўлса, Туркия томонидан «Бурсел» компанияси, Япония томонидан эса «Мицубиси корпорейшн» корпорацияларидир.

— «Чиноз тўқимачи ЛТД» йигирув-тўқув фабрикаси лойиҳасига 1996 йилда Токио шаҳрида асос солинганди, — дейди қўшма корхона бош директори Анвар Бўриев. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 январдаги қарори билан Чиноз туманида ўзбек-турк-япон инвестициялари иштирокида ана шундай қўшма корхонани бунёд этиш зарурлиги кўрсатилганди. Шундан келиб чиқиб, қисқа вақт мобайнида, бир йил муддатда корхона бунёд этилди. Ҳозирда технологияларни ўрнатиш жараёнлари давом этмоқда.

Умумий саҳни 15 минг квадрат метрлик замонавий бинода Япония, Туркия, АҚШ, Германиядан келган мутахассислар жаҳоннинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган технология ва дастгоҳларни йиғиш билан банд. Японияннг «Отори Тручлер», «Тойота», «Мурата» компанияларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги технология ва дастгоҳлар билан бир қаторда АҚШнинг «Вангард» фирмасининг тўқимачилик саноатидаги юксак унумли машиналари ўрнатилмоқда. Корхонани охирги пардозлаш ишларига 280 киши, технология ва дастгоҳларни ўрнатиш, синаш ишларига 100 киши жалб қилинган.

— «Чиноз тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси иккита асосий мажмуадан, яъни йигирув ҳамда тўқув майдонларидан иборат бўлади, — дейди ишлаб чиқариш бўйича раҳбар Лами Аралп. — Бу мажмуаларда пахта толаси тозаланиб, титиш, тароқлаш, пликлаш, йигириш, ўраш, қисқаси тайёр мато ҳолига келгунга қадар турли жараёнлар бажарилади. Қўшма корхонада кунига 17 тонна ип-калава ҳамда 8 минг килограмм трикотаж матоси ишлаб чиқарилишини ҳисобга олсак, бу бир йилда 5300 тонна ип-калава ҳамда 2300 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилади деганидир.

«Чиноз тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасининг уч давлат томонидан тузилган Низом жамғармаси 1971,12 миллион япон иенаси ёки 15 миллион 557 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, Японияннг «Эксимбанк»идан (ҳозирги япон халқаро ҳамкорлик банки) 12 йиллик муддатга 5696,649 миллион япон иенаси ёки 44,962 миллион АҚШ долларини микдорида кредит олинди. Қурилиш лойиҳасининг умумий қиймати эса 63 миллион 144 минг АҚШ долларидир. Шундан Ўзбекистон улуши 49 фоизни ташкил қилса, Туркия ҳамда Япония ҳиссасига 51 фоиз тўғри келади.

— Бу сингари қўшма корхона Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Ўзбекистондагина инвестиция орқали барпо этилмоқда, — дейди Японияннг «Мицубиси корпорейшн» корпорациясининг Марказий Осиё давлатларида лойиҳаларни ишга тушириш бўйича вакили Тошиюки Цугэ. — Боиси, Ўзбекистон пахтаси жаҳон бозорида ўз сифати жиҳатидан юқори ўринларни эгаллайди. Ундан ташқари, пахта хомашёсининг шу ерда мавжудлиги уни қайта ишлаб, жаҳон бозорига тўғридан-тўғри экспорт қилишда қўл келади. Биз бу сингари корхоналарни нафақат Чинозда, балки Шаҳрисабзда ҳам «Оқсарой тўқимачи ЛТД» номи билан барпо қилмоқдамиз. Хоразм вилоятининг Боғот туманида ҳам ана шундай корхона бунёд этиш борасида лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Ҳақиқатан, бу ерда қўлиқўлига тегмай, хорижлик мутахассислар билан ҳамнафас жавлон ураётган ҳамюртларимизни кўриб, тўғриси, юрагимизда фахр ҳиссини туйдик. Японияда ишлаб чиқарилган «СМН Ҳова», «МПМ-10» русумли тўқимачиликда энг сўнгги ютуқларни ўзида мужассам этган дастгоҳларни ўрнатаётган Баҳодир Жадилов, Қўчқор Сулаймонов, Аҳад Парпиев, Илдус Шокиров, Алишер Ирисалиевлар хориж технологиясини пухта эгаллашган.

Германиянинг «ЛТЖ» фирмасининг совутиш ва вентиляция тизимлари маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги сифатини янада яхшилайди. Сабаби, ишлаб чиқариш майдонидаги иқлим мақбул ҳолатда сақлаб турилади. Фирма мутахассиси Ханс Юрган Стюрмердан бу тизимнинг бир қанча афзалликларини билиб олган бўлсак, АҚШнинг «Вангард» фирмаси мутахассислари Мартин Шробак ҳамда Жаромер Глетколардан ушбу тўқув дастгоҳининг сир-асрорларини, Японияннг «Тойота» фирмаси ип-йигирув дастгоҳларини ўрнатиш ва синаш бўйича мутахассислари Суганума Тошиаки, Уэмура Коширолардан бу сингари «Робот» дастгоҳларнинг тўқимачилик саноатидаги ўрни хусусида фикрлашдик.

— Ўзбек-турк-япон инвестициялари орқали бунёд қилинаётган ушбу корхона, тўқимачилик тизимидаги бошқа корхоналардан фарқи шундаки, бу ерда жаҳоннинг энг сўнгги ютуқларини 100 фоиз ўзида жамлаган унумли технологиялар ўрнатилмоқда, — дейди «Бурсел» компанияси раҳбари Селим Каптаноглу. — Қўшма корхона ишга тушгач, йилига 20 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади ва хорижга экспорт қилинади.

Дарҳақиқат, қўшма корхона мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига тўёна сифатида фойдаланишга топширилади. У ишга тушгач эса 600 нафардан зиёд чинозлик муқим иш билан таъминланади. Нима бўлгандаям, бу каби қўшма корхоналар истиқлолимиз меваларидир. Шундай экан, биз келажакда буюк давлат қуриш, иқтисодий тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишимиз аниқ. Энг муҳими, элюрт шаъни учун курашиш ҳар бир ўзбекистонликнинг миллий ғурурига айланиб бормоқда.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар

ИСТИҚЛОЛ, МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос рамзтимсоллари бўлади. Мамлакат ҳақида гап кетганда, аввало киши кўз ўнгида шу тимсоллар намоён бўлади. Ўзбекистоннинг эса бири-биридан гўзал, бетакрор тимсоллари кўп. Кўҳна Бухоро — мамлакатимизнинг шундай абадий, ўлмас тимсолларидан бири. Вақт, давр ўтаверади, аммо минглаб йиллардан буён ўзида миллат тимсолини ифода этиб келаётган бу шаҳар абадий. У қанчадан-қанча музаффар дамларни, ур-суронларни бошдан кечирди, вайрон қилинди, тикланди.

Бугун Бухоро осмони мусаффо, шаҳар озодлик эпкинидан баҳраманд. Бухоронинг меҳнаткаш, матонатли халқи юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун сидқидилдан фидойилик қилмоқда.

Бухоро ҳаёти, унинг заҳматкаш халқи ҳақида ҳикоя қилувчи қўш саҳифада муқаддас айём — Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига ҳозирликлар акс этган.



Минораи Калон асрлар силсиласига гувоҳ

Ислом КАРИМОВ:

Бухоролик деганда аввало қўли меҳнатдаю, дили Оллоҳда бўлган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, тақдирнинг кўп-кўп синовларини бошидан ўтказган, сабр-матонатли, бунёдкор халқ кўз ўнгимизга келади.

ЮРТ ЮКИНИ КЎТАРГАНЛАР КАМ БЎЛМАС

Толибжон ҚУДРАТОВ, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари:

Мамлакатимиз истиқлолга эришганига ҳам ўн йил бўлмоқда. Республикамизнинг йирик вилоятларидан саналган кўҳна Бухоро ҳаётига истиқлол янги бир нафас олиб келди. Вилоятимиз шаҳар ва туманларида замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Юртимиз қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шукуҳ топмоқда. Буларнинг барчасини мустақиллик шарофати деб биламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг Бухорога ҳар сафарги ташрифидан сўнг катта ўзгаришлар юзага келади. Қоровулбозор барханларининг қоқ ўртасида йирик нефтни қайта ишлаш корхонаси бунёд бўлиши, улуғ пиру комил ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳининг таъмирланиши, шаҳримизнинг тарихий обидаларига қайта умр бағишланиши, Бухоронинг 2500 йиллик тўйининг жаҳон миқёсида нишонланиши фикримизнинг далилидир. Аҳоли соғлиғини муҳофаза этишдаги ғамхўрликлар, ёш авлод камолоти йўлидаги меҳрибонликларни Шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари, академик лицей ва коллежларда туямиз. Ёки келгуси йили Шариф шаҳримизда ўтказиладиган универсиадага тайёргарлик-чи?

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўйида Юртбошимиз «Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар», — деб айтганди. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳақиқатан ҳам оғир табиий иқлим шароитида деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштирган ҳолда пахта, дон, пилла ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда уни давлатга сотиш борасида сезиларли муваффақиятларга эришяптилар. Истиқлол йилларида Бухорода деҳқончилик маданияти ошди, ерга эгалик ҳисси кучайди, деҳқонга эркинлик берилди. Қишлоқ хўжалигида чет эл техникаси ва технологияси жорий этилди. Мелиорация, суғориш ишларига эътибор ошди.

Бултур 351 минг тонна пахта, 331 минг тонна дон, 267 минг тонна сут, 69 минг тонна гўшт, 67 минг дона тухум олишга эришилди. Гарчи давлатга шартнома асосида пахта сотиш режаси ўддаланмаган бўлса-да, 179,8 минг тонна дон сотишга эришиб, Юртбошимизнинг табригини олишга муваффақ бўлдик. Чорвачиликда аҳвол бирмунча ўнгланаётган бўлса-да, бундан кўнглимиз тўлмайди.

Ислоҳотлар ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, барча соҳадан фойда олишга эришишни талаб қилмоқда. Бу борада Вобкент, Бухоро туманлари бирмунча илгарилаб кетди. Аммо Ромитан, Шофиркон, Пешку, Олот каби қатор туманларда ислоҳотлар анча суст бораётгани ташвишга соляпти. Бу жойларда қўшма корхоналар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамон қониқарсиз. Вилоят ҳокимлиги бу қусурларни бартараф этиш борасида қатъий чоралар кўрмоқда. Ишончимиз комилки, Бухоро яқин орада пахтачиликда ўз қаддини кўтаради. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Бухоро туманидаги «Маданият» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида яратилган тажриба мактаби, мунтазам ўтказилиб турилаётган «Раислар куни» ва шунга ўхшаган тадбирлар мазкур соҳада ишлаётган ёш кадрлар малакасини оширишга хизмат қиляпти. Вобкент туманидаги ибратли иш услуби, кадрлар заҳираси, ўз ишига жонкуярлик билан ёндашаётган мутахассислар ташаббуси, қолаверса, вилоятдаги ҳамжиҳатлик муҳити амалдаги йилда ўз самарасини беради деб ўйлаймиз. Истиқлол байрамига бухороликлар ўзига хос совға билан борадилар.

РАҚАМЛАРДА БУХОРО

- **Вилоят ҳудуди — 40,32 минг квадрат километр.**
- **Аҳолиси — 1436,8 минг киши.**
- **Вилоятда 11 қишлоқ, 2 та шаҳар туманлари бор.**
- **Бултур 315,7 километр газ қувурлари тортилди. 164,9 километр водопровод қувурлари ётқизилди. Вилоят аҳолисининг 67,1 фоизи ичимлик сув билан, 85,3 фоизи газ билан таъминланган.**
- **Бултур 247,9 минг хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди.**
- **462,02 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.**
- **Вилоятда 44 та қўшма корхона мавжуд. Уларда 1137,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**
- **Ўтган йили ташқи савдо айланмаси 278,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.**
- **Вилоятда 1 та университет, 2 та институт, ўнлаб лицей, коллеж, умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.**

Бугунги Бухоро

ШАРИФ ШАҲАРДА ТИНЧЛИК УСТУНИ

Японядаги «Гои» жамғармаси дунёда тинчлик барқарор бўлиши учун ташаббус билан чиққани ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдида «Бутун дунёга тинчлик!» деб ёзилган дастлабки устунни ўрнатганидан кўпчилик хабардор. Бу ҳаракат қуёшли Ўзбекистонимизга ҳам етиб келди. Республикамиз мустақилликка эришганлигининг ўн йиллиги олдидан Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари синфари Шарқ гавҳари саналган қадимий Бухорода ҳам жамғарманинг ушбу устунлари ўрнатилди.

Шариф шаҳарнинг Лабиҳовуз меъморий мажмуи ҳамда Фаввоpалар майдонида ўрнатилган устунлар Бухоро тинчлик қўрғони бўлиб қолишидан далолат. Зеро, хорижликларнинг қадами канда бўлмайдиган бу зиёратгоҳлар орқали халқлар ўртасидаги биродарлик, тинчликни ҳимоя қилиш борасидаги ҳамжиҳатлик тобора мустаҳкамланаверади.

ЮРТИМ ЖАМОЛИ

ҚОРОВУЛБОЗОР ЧЎЛ ЭМАС – БЎСТОН!

Бухоро вилоятининг кенжа туманларидан бири — Қоровулбозордир. Бундан бир неча йил илгари Қоровулбозор деганда кўпчиликнинг кўз ўнгида сарҳадсиз саҳро, кўчиб юрувчи қум барханию судралиб юрувчи чўл жонзодлари пайдо бўларди. Энди-чи? Қоровулбозорни чўл деганлар адашади. Зеро, кенжа бу туман истиқлол фарзанди.

Бугун мустақиллик шарофати ила туманда иқтисодиётнинг теран томирлари чуқур илдиз отмоқда. Ўнга яқин жамоа ва ширкат хўжаликлари ихтиёрида 12 минг гектардан ортиқ деҳқончилик қилинадиган майдон бор. 13 мингдан зиёд аҳоли ҳам яшайди. Бир пайтлар тақир чўл бўлган, янтоқ ва шувоқлар кўзга ташланадиган саҳрога инсон қадами етди-ю, ҳаёт бошланди, аҳоли қўрғонлари пайдо бўлди, боғлар куртак отди, қовун ҳиди димоққа уриладиган бўлди. Бунга атиги саккиз йил керак бўлди, холос.

Тўғри, бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Қанчадан-қанча қийинчиликлар, заҳматлар, гармсел шамоллар, изғирин — ҳаммаси ортда қолди. Мана, бешта аҳоли яшайдиган қўрғон шаҳардан кам эмас — ҳамма нарса муҳайё: ичимлик сув, табиий газ, замонавий врачлик маскани, мактаб, клуб...

Тан олиб айтиш керакки, Юртбошимиз назари тушган ер гуллаб-яшнайди. Мамлакатимизда нефть мустақиллигига эришиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар, аввало Қоровулбозордан бошланган десак, хато қилмаймиз. Қум барханлари орасида 1997 йилда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушди. Бунда бутун мамлакат қурувчиларининг улуши бор.

Туманда ўтган қисқа давр ичида ана шундай корхона ва ташкилотлар сони олтмишдан ошди. Нефтчилар шаҳарчаси пайдо бўлди. Нурчилар қўрғони қурилмоқда. Хуллас, ҳар куни бунёдкорлик, бир янгилик.

Истиқлол йилларида туман қишлоқ хўжалигида туб бурилиш бўлди. Бир пайтлар ҳосилдорликдан кўнгли тўлмаган деҳқон бугун янги марралар сари интиляпти.

— Чўлда деҳқончилик маданиятини оширишдан гап очилса, кўпчилик елка қисарди, — дейди туман ҳокими Нарзулла Йўлдошев. — Мана, икки-уч йилдирки, пахта ва дон етиштириш ҳаддини олганимиздан сўнг, бир қарич ер ҳам бекор қолмайди. Ахир, ерни боқсанг, у сени қуруқ қўймайди-да!

Умрининг асосий қисмини деҳқончиликка бағишлаган Н. Йўлдошев мана уч йилдирки туманга раҳбар. Раҳбар бўлганда ҳам талабчан, қаттиққўллиги учун ҳам кўпчилик ҳурматига сазовор бўлянти. Бултур 10 минг тоннадан зиёд пахта, 6535 тонна ғалла етиштирилиши чўлдаги жасорат эмасми?! Бир бутина эмас. Бухоро қоракўли довруғи етти иқлимга кетган. Тумандаги «Қоровулбозор» ширкат хўжалиги қоракўлчилик соҳасида вилоятда етакчи. Ҳозир мазкур хўжалик билан қўшиб ҳисоблаганда туманда 53 минг бош қўй-эчки бор. Ҳар йили кўплаб сифатли тери олиниб, сотилади.

Бугун Қоровулбозорда яна меҳнат авжига чиққан. Бир томонда ғалла ўрими, бир томонда ғўза парвариши. Ана, нефтни қайта ишлаш заводи дарвозасидан ёнилғи ортилган турнақатор вагонлар йўлга чиқди. Маданият саройида эса доира овози эшитилади. Чўлқуварлар истиқлол байрамига ҳам тараддудни унутишгани йўқ...

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

БИЗНИ ДУНЁ ТАНИГАНИ РОСТ

Қизиқ замонлар ўтди. Шўро даврида тазйиқлар эсимдан сира-сира чиқмайди. Ўшанда мен «Масжиддаги итлар» деб номланган картина яратгандим. Унда харобага айланган муқаддас жойларимизни коммунистик мафкура малайлари кучукхонага айлантирмоқчи бўлганларини тасвирлагандим. Шу боис менинг асарларимга узоқ вақт кўргазма залларининг эшиклари ёпиб қўйилганди.

Ҳайриятки, бошимизда ҳуррият қуёши порлади. Истиқлол шарофати ила ижод эркинлиги таъминланди. Бугунги кунда нафақат Тошкентда, балки Россия, Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам шахсий ижодий кўргазмаларим бўлиб ўтди. Англия, АҚШ, Германия, Италия каби давлатлардаги музейларда, фуқароларнинг коллекцияларида айрим асарларимнинг сақланаётгани шу ижод эркинлигининг самараси эмасми?

Мен каби бухоролик истеъдодли мўйқалам соҳиби А.Барноев Америкада ижод этаётган бўлса, З. Саиджонов, М. Абдуллаев, Р. Авезов, А. Еникеев, М. Бўронов каби рассомларнинг асарлари чет эллардаги кўргазмалардан кенг ўрин олгани қувонарли. Истиқлол туфайли мамлакатимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар, маънавиятимиздаги янгиланиш, соғлом авлод камолоти ва бошқа муҳим мавзулар Бухоро рассомлари ижодида ўзининг бадиий ифодасини топаверади.

■ **Баҳодир САЛОМОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси ижодий уюшмасининг аъзоси**

XXI АСР ЁШЛАРИ

СЕНИ СОҒИНАМАН, ЮРТИМ!

Бухоро давлат университетининг амалий математика ва информатика факультетида ўқиб юрганимда «Умид» жамғармаси синовларидан муваффақиятли ўтиб, АҚШнинг Дрексен университетида таълим олиш бахтига муяссар бўлганим нафақат ота-онам, балки юртдошларим учун ҳам чинакам қувонч, ғурур эканлигини англадим. Мана, учинчи йилдирки, бу олийгоҳда электрон ҳисоблаш машиналарини дастурлаш ихтисослигини эгаллаш учун жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган ёшлар билан бирга ўқияпман.

Университетда замонавий билимларни пухта эгаллашимиз, яхши дам олишимиз учун ҳамма шароит яратилган. Шундай бўлса-да, юртим Ўзбекистонни, онашаҳрим Бухорони тез-тез соғинаман. Юрт меҳри нақадар кучлилигини хорижда яшаган киши янада чуқур ҳис этаркан.

Насиб этса, шу йилнинг охирларида 5 йиллик ўқув дастурини 3,5 йилда тугатиб, она-юртим Ўзбекистонга қайтаман. Малакали мутахассис сифатида мамлакатимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қиламан. Биз, ёшлардан Юртбошимиз, халқимиз худди шуни кутяпти.

■ **Суҳроб МАМЕДОВ, АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Дрексен университети талабаси**

Япония ускунаси билан жиҳозланган «Бухоротелеком»нинг Ғиждувон филиали фаолиятидан 9 минг мижоз фойдаланаяпти

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

МАҚСАД — ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Сўнгги йилларда Қоракўлда иқтисодий ислоҳотлар суст бораётганидан кўпчилик хижолатда эди. Айримлар умидсизлик ботқоғига ботган ширкат хўжаликлари, ўз аравасини тортолмаётган корхоналар раҳбарларини ношудликда айблашганида хато қилишмаган экан. Ҳатто бу дашном туман раҳбарларини ҳам анча ҳушёр торттирди. Кадрлар таркиби қайта кўриб чиқилди. Бу оз бўлса-да, ўз самарасини берди. Гарчи бултур пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолган бўлса-да, бурноғи йилга нисбатан анча сифатли ҳосил олишга эришилди. Битта ҳам қўшма корхонаси бўлмаган туманда «Қоракўлтекс» ташкил топди. Пахта тозаловчилар ишлаб чиқараётган тола эса жаҳон бозорида ўз ўрни ва баҳосини топди. Ишласа бўларкан-ку!

— Корхонамиз ташкил топганига юз йил бўлади, — дейди биз билан суҳбатда «Қоракўлпахтатозалаш» акциядорлик жамияти раиси Меҳмон Янгиев. — Ана шу йиллар давомида корхона доимо барқарор ишлаганини ҳеч ким билмайди. Хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қийин иқтисодий аҳвол сезилиб қолди. Шундай пайтда ночорликдан қутулиш йўллари ҳақида ўйладик. Истиқлол боис, мулк шакли ўзгариб, янгича ишлашга ўтдик. Бу бизга имконият эшиклари очилишига туртки бўлди десам хато бўлмас.

Дарҳақиқат, қарийб бир аср давомида ишлатилган технология билан хориж талабини қондирадиган толага эришиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам мустақиллик йилларида корхонада ишлаб чиқаришга янги технология қўлланилди, эски ускуналар янгиланди. Бу ҳам ҳажм, ҳам сифатдан ютилиши аниқлигини яққол исботлади, ишчилар манфаатдорлиги ошишини таъминлади. Фикримизни бултурги эришилган натижалар билан исботласак, хато бўлмас.

Бултур корхона ишчилари Олот ва Қоракўл туманлари далаларида етиштирилган 62 минг тонна пахтани қабул қилиб олдилар. Ҳозиргача унинг салкам тўқсон фоизини қайта ишлаб бўлдилар. Шунинг эвазига 14 минг тоннадан зиёд тола ишлаб чиқарилди. Шуниси қувончлики, ана шу ишлаб чиқарилган тола омборларда туриб қолаётгани йўқ. Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Голландия, АҚШ каби қатор мамлакатларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Шунинг эвазига бултур ҳиссадорлар қарийб 110 миллион сўм соф фойда эгаси бўлдилар. Бу дивиденд кўпайганидан, ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш яхшиланганидан дарак эмасми?! Бултур ҳиссадорларга 17 миллион сўм дивиденд тўланган бўлса, бу йил анчага ошади. Учала смена ишчилари учун бепул иссиқ-овқат, байрамларда совға-салом, туғилган кунларида 1000 сўмдан, таътилга чиққанларида қўшимча 5000 сўм моддий ёрдам, арзон нархда ёғ-мой, гўшт берилиб турилиши ҳам катта мадад, экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларининг янада кенгайишини таъминлайди, албатта.

Биргина бу эмас. Корхона ўзининг бир қанча ёрдамчи цехларига ҳам эга. Илгари толани ўраш учун ишлатиладиган нотўқима материал четдан олинса, энди корхонада ишлаб чиқарилянти. Ўзларидан ортганини Пешку, Вобкент пахта тозаловчиларига сотмоқдалар. Маиший пахта ишлаб чиқариладиган цехнинг очилиши ҳам барчага манзур бўлди. Тикувчилик цехи маҳсулотларига харидорлар айниқса кўп. Кунжутни қайта ишлайдиган кичик корхона яқин орада ишга тушади. Ватин ҳам корхонада ишлаб чиқариладиган бўлади. Ёрдамчи хўжаликдаги серобликдан ғанимасса ҳам бўлади. Хуллас, корхонада йил давомида ишчилар сурункали иш билан таъминланган.

Вилоят ҳокимлиги биноси

МАКТАБЛАР КУНИ

ТАЖРИБА САМАРА БЕРДИ

«Биз ўзимизнинг истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот бўлишимиз керак».

Президентимиз кўрсатиб ўтган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бу олийжаноб вазифани бекаму кўст бажариш учун вилоятда ҳокимлик ташаббус билан чиққанига бир йилдан ошди. Очиғи, яқин-яқингача турли даражадаги раҳбарлар мактабларга йилида бир марта — Билимлар байрамида ташриф буюрардилар. Мактаб жамоасининг муаммолари, ўқув-тарбия билан бош қотиришмасди ҳеч ким. «Мактаблар куни» ўтказилиши муносабати билан ҳозир ойда бир марта 5100 нафардан зиёд раҳбар ва мутахассис ўзи таълим олган даргоҳларда кун бўйи бўлади. Уларнинг қарийб 3,5 мингдан зиёди мактабларга ҳомий этиб биркитилган.

Мактабга юз бурган раҳбарлар энди юртимиз келажаги, унинг истиқболи учун хизмат қиладиган ёш авлодни комил инсон қилиб воягa етказишда ўзларини масъул деб ҳисоблаётганлари қувонарли ҳолдир. Шу нуқтаи назардан қараганда вилоят умумтаълим мактаблари моддий базасини мустаҳкамлаш учун саноат, қурилиш ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, тадбиркорлар томонидан ўтган бир ярим йил давомида мактабларга 560 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. 442888 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг 18661 нафари бепул кийим-бош, ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлангани савоб эмасми?! Биргина бу эмас. Мактаб кутубхоналарини зарурий адабиётлар билан бойитиш мақсадида ота-оналар ва жамоатчилик кўмаги билан қироатхоналарга 260 минг нусхадан зиёд адабиётлар топширилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ихтиёридаги 95 та кутубхона мактабларга кўчирилди.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш мақсадида туманлар ҳокимларининг қарори билан барча мактабларга ер ажратилди. Бу эса 487 мактабда ёрдамчи хўжалик ташкил этилишига туртки бўлди. 461 та мактабда шунинг эвазига ўқувчиларни тўйимли ва арзон нархларда овқатлантириш йўлга қўйилган.

Бу ташаббусга қўшилган Бухоро тиббиёт институтининг шифокор-олимлари тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда мактаб ўқувчилари саломатлигини назорат қилиб келмоқдалар. Шунинг билан бир қаторда вилоятдаги 503 та мактабда тиббий хизмат йўлга қўйилиб, 309 врач, 496 ҳамшира ўқувчиларни соғломлаштириш ишига жалб этилди. 383 та спорт майдончасининг спорт шаҳарчасига айлантирилиши жисмоний тарбия самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Ҳа, «Мактаблар куни»ни ўтказиш бўйича Бухоро тажрибаси эндиликда мамлакатимиз вилоятларига ёйилмоқда. Зеро, бу тажриба самарасини вилоят халқ таълими асосий кўрсаткичлар бўйича республикада биринчи ўринга, ўқувчилар фанлар олимпиадаси натижалари юзасидан ҳам худди шундай ўринга чиқишлари, битирувчиларнинг тест синовларида яхши натижаларга эришиб, олий ўқув юртларига энг юқори баллар билан қабул қилинаётганларида кўриш ўринлидир.

Ҳа, мустақиллик йилларида Бухорода бошланган ташаббус мазмун-моҳияти ва мақсади билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

САХОВАТДАН ЯШАРГАН ЧОРБАКР

Ҳар тонг қуёшнинг заррин нурларига кўҳна Чорбакр обидалари пештоқлари миннатдорона юз тутади. Қуёш нуридан турли рангда жилоланиб ажиб манзара кашф этиши инсоннинг мўъжизакор меҳр қўридандир. Сир эмас, шўролар тузуми даврида қаровсиз қолдирилган бу тарихий обида тиканзорга айланганди. Чет эллик сайёҳлар бу улуғ ва қутлуғ қадамжони зиёрат қилишлари даргумон эди. Мустақиллик шарофати ила ўн асрлик тарихга эга, Шарқ меъморчилигининг ноёб намунаси, халқимиз заковати, бетакрор санъати, юксак маънавияти тимсоли сифатида не-не кишилар, авлодларни лол қолдирган Чорбакрга қайта умр бағишланди. Қарийб бир ярим йил ичида бу меъморий обида режали таъмирланди. Бу қутлуғ ишга бутун вилоят аҳли киришди. Хайрия маблағлари тўпланадиган «Бухорои Шариф» жамғармаси хазинаси Чорбакрга йўналтирилди.

Энг яхши усталар маҳорати шу ерда синалди. Ҳиндистондаги мўъжизалардан бири — Тожмаҳалнинг асосий меъмори уста Отамуҳаммад бўлган дейишади. Ана шу уста Чорбакрни бунёд этган машҳур устозодалар наслидан бўлган. Бугунги бухоролик усталар ўша устозлари қўли теккан обидаларни таъмирлашда бамисоли заргарлардек иш тутдилар. Хуллас, бугун Чорбакр жамоли асл ҳолига қайтарилди, атрофи гулу гулзор. Чорбакрдаги ҳонақоҳ мачит, мадраса, дахмаларни таъмирлаш учун 300 миллион сўм сарфланди.

Чорбакрда яна тонг отди, қуёш заррин нурлари билан кошинларнинг юзини аста силади. Мана, автобуслар кўринди. Улардан хорижлик сайёҳлар, мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган зиёратчилар тушаркан, бу муқаддас қадамжога суқланиб боқишди. Ҳа, саховатдан яшарган Чорбакрнинг ҳар бир куни гавжум. Аждодларимиз руҳи эса шод.

МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

Паррандачилик — етти хазинанинг бири. «Бухоропарранда» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бунга ўз фаолиятларида яна бир бор амин бўлдилар. Соҳага эътибор ошганлиги сабабли бултур корхонада 20 миллион дона тухум, 160 центнер парҳезли гўшт ишлаб чиқарилди. Шунинг эвазига 140 миллион сўм фойда олинди.

Мустақилликнинг 10 йиллиги нишонланадиган йилда паррандабоқарлар бултурги даражадан ўзишга интилишяпти. Ҳозир кунига 47 минг дона тухум олинмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида эса 4,5 миллион донадан зиёд тухум сотилди. Аҳоли дастурхонига 399 центнер гўшт етказиб берилди.



Вобкентдаги қишлоқ хўжалик коллежи

«Бухоро» меҳмонхонаси

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

МИЛЛИОНЕР ПУДРАТЧИЛАР

Вобкент туманидаги «Зарбдор» ширкат хўжалигида мустақиллик туфайли елкасига офтоб теккан ҳамда меҳнати эвазига миллионер бўлаётган пудратчилар кўпчиликни ташкил этади. Хўжаликнинг Баҳри Худойқулов бошлиқ бригадасида бўлсангиз ҳурриятдан бахраманд ер эгалари дил изҳори кўнглингизга таскин беради.

— 13,2 гектарли контурда баҳоли қудрат 12 киши ишлаяпмиз, — дейди бош пудратчи Зокир Ғаффоров. — Бултур шу майдондан 53,3 тонна юқори навли ҳосил олгандик. Даромадимиз 3,7 миллион сўм бўлди. Иш ҳақидан ташқари 1363 килограмм пахта мойи, 5,7 тонна шрот, 4,9 тонна шелуха олдик. Бундан ташқари, йил якунида 53,2 минг сўм дивиденд ҳам олишга муваффақ бўлдик. Илгариги замонда қозон битта бўлиб, бу нарсалар сувга тушган тош каби кўринмасди. Мустақилликдан ўргилай.

Бригаданинг етти пудратчисидан бири Ифтихордир. У Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан пахтакор Холиқ Мирзаевнинг ўғли. Пудратчининг қарийб 2 гектар ери бор. Бултур у 4,5 тонна ўрнига 10,1 тонна ҳосил етиштиргани эвазига 700 минг сўм даромад қилди. Ёки опа-ука Нилуфар ва Шавқиддин Жумаевларни олайлик. Улар ҳам миллионер. Бултурги натижага кўра 1,3 миллион сўм пул олишди.

Туман ҳокими Муҳиддин Эсанов Баҳри Худойқуловга бултур ҳар гектар ердан 62,7 центнердан ҳосил кўтаргани учун «Дамас» автомашинасини топширди. Ҳа, энди ишлаган қадр топади.

— Ахир, Президентимиз халқ моддий фаровонлигини ошириш учун куйиб-пишган бир пайтда ким ҳам қараб турарди, — дейди ширкат хўжалиги раиси Бахтиёр Давронов. — Пудрат усулида, чек асосида ишлаш ҳаммага қулай. Шу боис ҳамма ҳисобдон бўлиб қолган. Бултур 16,4 миллион сўм соф фойда кўрдик. Бу йил ҳам даромад кўпайиши аниқ.

Бундай миллионер пудратчилар Бухоро туманидаги «Ўрта Осиё» ширкат хўжалигида кўп. Хўжаликнинг Иброҳим Ботиров, Сидиқ Баротов сингари пудратчилари дон етиштиришади. Бултур уларнинг ҳар бири қарийб ярим миллион сўмдан даромад қилдилар.

— Бултур давлатга 13295 тонна дон сотдик, — дейди Бухоро тумани ҳокими Н. Пўлатов. — Фойда эвазига халқимиз турмуш шароити яхшиланяпти.

Топган пулинг тўйларингга буюрсин, халқим!

Олот ип-йигирув ва тўқув фабрикаси тўқувчилари

ЯНГИ ЗАМОН ОДАМИ

«ФАЙЗ»ДАН ЎРГАНСА БЎЛАДИ

Мамлакатимизда истиқлол қарор топгач, Ғиждувондаги «Чевар» ошхонаси бош ошпази Рустам Файзиев қозон атрофида ўралашиб юришни ўзига эп кўрмади. Ахир, олий маълумотли бўлса, чўнтагида ўзига яраша сармояси бор. Бунинг устига фермерлик ҳаракатини мамлакат раҳбари қўллаб-қувватлаб турган пайтда норғул йигит қўл қовуштириб туриши яхши эмас-ов. У шу ўй билан «Гулистон» жамоа хўжалиги раисига юзланди. Раисдан ташландиқ ҳолга келган чўчқахонани беришни сўради.

Ўшанда ҳамқишлоқлари ҳайрон бўлишди.

— Тўқайзорни олиб нима ҳам қиларди. Бир ном чиқаргиси кептида, — дейишди айримлар.

Ҳақиқатан ҳам Рустамжон тўқайзорни ҳозирги даражага келтираман, деб кўп ишлади. Оила аъзолари, укасини ёнига олиб, 1992 йилда «Файз» фермер хўжалигини ташкил этди. Ҳозир бу ерга келган киши худди боғи эрамга киргандек бўлади. Фермер хўжалигига олиб борувчи йўлнинг икки томони боғ, атиргуллар йил-ўн икки ой очилиб туради. Сарҳовуз атрофи мажнунтол, фавворалардан сув отилиб туради. Ҳозир 80 дан зиёд «Қизил чўл» зотли соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 30 килограммдан сут соғиб олинади. 25 ишчи ишлаётган фермер хўжалигининг жами 215 бош қорамоли, 450 бош қўй-қўзиси, 400 дан зиёд чўчқаси, 20 дан ортиқ оти бор. Бу тонна-тонна сут, гўшт дегани эмасми?! Ҳар йили салкам 10-11 миллион сўм даромадни айтмайсизми?! Шу боис ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 20 минг сўмга етди.

— 36 гектар еримиз бор, — дейди Р. Файзиев. — Унинг ҳар бир қаричи ҳисобда. Икки-уч марта ҳосил оламиз. Истиқлол берган имкониятдан фойдаланган ҳолда қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой.

Ҳа, пулни эмас, гулни севган, қўли ва кўнгли очиқ «файз»чилар олинган фойда ҳисобига туман кўзи ожизлар жамияти, «Нуроний» жамғармаси, «Юлдузча» болалар боғчасини ҳомийликка олишган. Биргина бу эмас, қишлоқда чойхона, савдо дўкони, пойабзал таъмирлаш устахонаси ҳам очишди. Фермер хўжалигида эса колбаса ишлаб чиқарадиган цех ҳам қуришди. Вилоятда рўйхатга олинган 3929 фермер «Файз»дан кўп нарсани ўрганса бўлади.

ИҚРОРЛИК

САҲРО БАҒРИ — ХАЗИНА

Мен оддий қишлоқ фарзандиман, ҳаётимни деҳқончиликсиз тасаввур эта олмайман. Гапнинг очиғи, хўжаликка раҳбарлик қилишни кўзламаганман. Кўпдан кам бўлмаслиқ, оддий меҳнатим билан халқимга нафим тегсин деган мақсадда айни навқирон ёшимда мана шу чўлга келганман. Қизилқум саҳросидан янги ер очишда қатнашдим. Ер очдик, сув келтирдик, экин экдик. Бригадир бўлдим, ўқиб малакамни оширдим.

Истиқлол йўлимни ёритди, десам хато бўлмайди. 1996 йилда бригадамизда ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 52 центнерни ташкил этди. Ўша йили меҳнатим «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Кўп ўтмай чўлда янги хўжалик ташкил топди. Чўлқуварлар мени ўзларига раҳбар этиб сайлашди. Эл билан тиллашиб, кенгашиб кам бўлмаяпмиз. Ғаллакорларимиз вилоятда пешқадамлар сафидан ўрин олиб келяптилар. 291 гектар ердан бултур шартнома режасидаги 1062 тонна ўрнига 1840 тонна ғалла олинди. Бу ҳар гектар ер ҳисобидан 63,2 центнердан зиёд ҳосил кўтарилди дегани ёки давлатга режадаги 853 тонна ўрнига 1507 тонна дон сотдик.

Хўжалигимизда асосий ғалла майдонлари 7 та бош пудратчига бўлиб берилган. Уларнинг барчаси чўлнинг қийин шароитида тобланган, ернинг тилини, ишнинг кўзини биладиган деҳқонлардир. Шу боис Маҳмуд Султонов, Мавжуда Султонова, Фатхиддин Худойбердиевлар бошлиқ пудратчилар ҳар йили чўл бағридан 82-76 центнердан сара дон олаётирлар. Мўл ҳосил эвазига бултур ғаллачиликдан 77 миллион сўм даромад қилдик. Унинг 27 миллион сўми соф фойдани ташкил қилади. Дончилик билан бирга чўлда пахта ҳам етиштиряпмиз. Бу йил ҳам пахта, ҳам дон янада мўл бўлади.

■ **Азим ЛАТИПОВ,**
Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси

Қўш саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбирлари Даврон БАҲРОНОВ ва Абдумалик БОБОЕВлар тайёрлашди.

НАВБАТ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА

ҲАЁТ ВА АДАБИЁТ МИНБАРИ

ДАЪВАТ

Замон ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, сўз санъати, адабий танқидчилигу адабиётшуносликда ҳам тубдан янгилик яратилишини талаб қилмоқда.

Иқрор бўлиш керакки, даврнинг ушбу талабига кўз очиб-юмгунча тўла жавоб қайтариш ниҳоятда қийин.

«Ёш куч» журналининг 2000 йил 4-сонида Шаҳноза Соатованинг «Онгимиздаги фильтр» мақоласи чоп этилди.

Муаллиф қайси бир файласуфнинг «Энг катта фожиа жамиятда фикрнинг кўп бўлиши эмас, балки ҳаммамнинг бир хил фикрлашидир» деган иддаосини олган-у, диққатни саводсизлик муаммосига жалб этган. Бу муаммони ҳал этиш учун бир қанча омилларга изоҳ беради-да, воқеликни танқидий идрок этиш вазифасини юксак даражада бажармасдан кўзланган мақсадга асло етиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлайди. Бу билан чекланмасдан қуйидаги мулоҳазага диққатимизни тортади: «Афсуски, бугун ўзбек халқининг диди, савияси «Чимилдиқ» спектакли, «Шайтанат» романи ва «Оила ва жамият» газетасидан юқорига чиқа олмаяпти»...

Кимдир бу даъвони аниқ мисоллар таҳлили орқали исботлаш шарт эди-ку, деб эътироз билдириши мумкин. Бу эътирозда жон бор. Лекин, умуман олганда, Шаҳноза Соатовада ҳақиқатни топиш, ёритиш ҳар қандай ҳодисага танқидий ёндошилмаса, адолат туйғусига путур етади, деган талабга риоя қилгани муҳим аҳамият касб этади.

Бугун ҳар хил йўллар, воситалар орқали нашр этилган шаклан асар-у, мазмунан ниҳоятда заиф, ночор асарлардан камида беш-ўнтасини ҳар томонлама ҳаққоний, баркамол танқидий таҳлилу тадқиқдан ўтказиш шарт эмасми?! Уларга қақшатқич зарба берилиши шарт, деган фикрлар газета-журналлар, радиотелевидениедан баралла эшитилиб турибди.

Бинобарин, ҳозирги мустақиллик замонида танқидчилик, адабий танқид, адабиётшунослик ҳам илм, ҳам санъатнинг уйғунлашувидан туғиладиган ўзига хос ижод тури эканлигини шунчаки тан олишмас, амалда кўрсатиш вақти етиб келмадимикин, деган муаммо ўртага ташланиши зарур.

Шу кунларгача адабиётшунослар мумтоз адабиётни, адабий танқидчилар ҳозирги замон адабий жараёнини, фольклоршунослар эса фақат халқ оғзаки ижодини таҳлилу тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган алоҳида илму фан намояндаларидир, деган нуқтаи назар амалда фаолият кўрсатмоқда. Натижада адабиётшуносларнинг ҳозирги замон адабиётига, адабий танқидчиларнинг мумтоз адабиётга ҳамда халқ оғзаки ижодига «тиши» ўтмайдиган бўлиб қолди. Фольклоршунослар эса ҳар иккаласидан йироқлашиб кетди. Тўғри, улардан айримлари ўша уч соҳага тегишли ҳодисалар хусусида мулоҳаза юрита олади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Негаки, уларнинг ҳаммаси ягона умумий тармоқни — бир миллатнинг яхлит адабиётини ташкил этади.

Бугун адабиёт тарихи, замонавий адабиёт ва халқ оғзаки ижодиёти ўртасига бамисоли хитой деворини қўйиб, бир-бирларидан узилган ҳолда иш юритишдан воз кечиб, ҳамкорликда ижодий фаолият олиб бориш вақти етди. Зотан, бугунги адабий-бадиий жараён билан кечагиси олдингиларига ҳам кейингиларига боғланиб, таққосланиб ёритилиши муҳим аҳамият касб этаяпти.

Тағин шундай таққосланиш боғланмишки, бу оддий мақолами ё тақризми ёки кўламли тадқиқот бўладими, бундан қатъи назар, бир пайтнинг ўзида ҳам адабий-бадиий, ҳам илмий асар сифатида фақат ёзувчиларга, санъаткорларга, олимларгагина эмас, балки кўп сонли ўқувчиларга ҳам бетакрор, салмоқли ҳамда ҳаётий, адабий-бадиий, илмий наф келтириши шарт. Ўша адабий-бадиий, илмий асарлар ҳажми, кўламидан қатъи назар ҳам сўз санъати, ҳам илмий тафаккур сифатида ҳаёт тараққиётига таъсир кўрсатса, дунёнинг асл моҳиятини, инсоннинг зўр ва заиф жиҳатларини бамисоли кўзгудек намоён қилса, ўз вазифаларини тўлиқ ўтайди. Айтайлик, Қодирий, Чўлпон ё Абдулла Қаҳҳордек обрў қозониш, бетакрор адабий-бадиий, илмий кашфиёт яратиш учун Оллоҳ ато қилган буюк истеъдод соҳиби бўлиб, чинакам ижодий эркинлиги таъминланган шароитда фидокорона, қаҳрамонона фаолият кўрсатиш талаб қилинаяпти. Токи, мунаққид минбари бўш қолмасин!

Бугун мустақиллик шарофати билан шунга яраша муайян изланишлар, интилишлар бўлаяпти. Бундай изланиш-интилишлардан айримлари ижобий мазмун касб этиб, чинакам ижод эркинлиги, шахс ва ёзувчи, санъаткор мустақиллиги нималардан иборат эканлигини кўрсатишга қаратилаяпти. Адабий-илмий тафаккурнинг келгусида кенг кўлам ва миқёсда равнақ топишига умид туғдираяпти. Чунончи, Озод Шарафиддиновнинг сирти ялтироқ, ташқи кўриниши чиройли, лекин мағзи пуч ҳамда маддоҳлик руҳига йўғрилган насрий, шеърий шаклда ёзилган «ёстиқдайёстиқдай» китобларнинг даҳшатли, оғир зарарларини таъкидлаб, кўрсатиб бераётганига тасанно айтмоқ даркор. Шу билан бирга Умарали Норматовнинг айрим насрий асарларда, хусусан, Шукур Холмирзаев, Назар Эшонқул, Омон Мухтор романлари, қиссалари, ҳикояларида жаҳон адабиётининг энг илғор анъаналарини ижодий ўзлаштиришга оид мулоҳазалари, кузатишлари фойдалидир. Айниқса, шоир Баҳром Рўзимуҳаммад аҳён-аҳёнда мунаққид сифатида майдонга чиқиб, бадиий адабиётга собиқ совет ҳокимияти давридагидек нуқул ғоявийлик талаби билан эмас, балки соф санъаткорлик нуқтаи назаридан ёндашишга даъват этаётгани ҳам ибратлидир.

Бугун шундай тадқиқотлару илмий-адабий мақолалар, рисолалар, тақризлар керакки, улар ҳам ижодкорларнинг, ҳам оддий ўқувчилару китобхонларнинг меҳру муҳаббатини қозонсин. Барчага унутилмас, таъсирчан завқ-шавқ бағишласин, маънавий сабоқ берсин.

■ **Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ**

ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ?!

ҚОНУН ҲАММА УЧУН БАРОБАР

Қонун ҳамма учун баробар эканлигини барчамиз яхши биламиз. Негаки, қонун шуни талаб қилади. Аммо амалда... Қисқаси, ҳеч эшитганмисиз, вазирлар у ёқда турсин оддий ДАН ходими йўл қоидасини бузгани учун жарима тўлаганини? Шу савол билан маҳалламизда ўзимизча кичик сўровнома ўтказганимизда унда қатнашганларнинг деярли барчаси бундай ҳолни кўрмаганини, ҳатто эшитмаганини айтишди. «Улар йўл қоидасини бузмаса керак-да», «Йўқ, бузади, лекин қарға-қарғанинг кўзини...» деган гапларни ҳам қистириб ўтишди. Очиғи, бизда истиҳола кучли. Ҳурматли одам қоида бузсада, ҳурмати жойига қўйилади. Лекин улар мабодо Эстонияга бориб қолишса борми, қоида буза кўрмасин. Эстонлар қонун олдида отасиниям танимайди. Мана яқинда нафақат мамлакатда, балки Европада ҳам донғи кетган мода устаси Кармен Кассни Таллин кўчаларидан бирида қоида бузмаса-да, йўл полицияси тўхтатди ва спиртли ичимлик ичган-ичмаганини текшириш учун махсус асбобга пуфлашини илтимос қилди. Афсус, ғўзал хоним ичган экан. Атиги ярим рюмка шампан ичганини ўзи ҳам тан олди. Лекин қонун — қонун-да. Худди биздагидек Эстонияда ҳам спиртли ичимлик ичиб автомобиль бошқариш мумкин эмас, тақиқланган. Шунинг учун ҳам Кармен Кассга 3021 крона (8 крона 1 немис маркасига тенг) миқдорида жарима солинди.

Кармен Касс ўтган йили дунё бўйича «2000 йилнинг энг яхши мода устаси» деб тан олинган. Эстония газеталарида ёзишларича, унинг моделларига дунёда энг юқори даражада ҳақ тўланаркан. Мана энди у ҳам жарима тўлашга мажбур.

Эстония йўл полицияси қаттиққўллиги билан анча ном чиқарган. Улар томонидан жазоланганлар рўйхатида ички ишлар вазирининг ҳам фамилияси турибди. У тезликни оширгани учун жарима тўлаган. Бундан ташқари таниқли сиёсатдонлар ва бошқа машҳур кишиларнинг ҳам исм-шарифини кўплаб учратиш мумкин. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Машҳурлик — қонундан устуворлик дегани эмас-ку, ахир.

■ **Наргиза ҲОШИМОВА тайёрлади**

МУЛОҲАЗА

«НЕ КЎЗ БИЛАН КЎРАЙКИ...»

Бир замонлар бир бойнинг кўплаб қўй ва моллари бўлган экан. Чўпон бойнинг чорвасини қир-адирларда яйратиб юрар, соғиб олган сутларини бойга келтираркан. Бой эса ҳар гал сутга сув қўшиб сотаркан. Чўпон бойнинг бундай «ҳунари»дан ори келиб, оқибати яхши бўлмайди-ку, деб қўяркан. Кунлардан бир куни кучли ёмғир селга айланиб, бойнинг чорвасини оқизиб кетибди. Бой чўпондан янги соғилган сутларни сўрабди. У эса мол-ҳолларингизни сутга қўшган сувларингиз оқизиб кетди, деб жавоб берибди...

Гап шундаки, ҳар гал пойтахтнинг «Эски Жўва» бозорига тушганимда шу ривоят хаёлимда чарх ураверади. Наҳотки, бир эмас икки маротаба алдашса-я, дейман. Биринчи гал метрога тушаверишда бир аёл кўзларини жовдиратиб: «Жон болам, шу қаймоқни ола кетинг, тошилиб турибман, арзонга бераман» деб қолди. Аслида қаймоқ харид қилиш хаёлимда йўқ эди. Шу иннсоннинг кўнгли учунми, қаймоқни олиб қўйганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Уйга бориб қаймоқни пиёлага солиб, не кўз билан кўрайки, қатиқ килкиллаб турибди. Ҳа, энди дедим-у, кўнгилга олмадим. Орадан анча кунлар ўтиб, яна йўлим Чорсуга тушди. Яна шу ҳолат, яна шу манзара. «Ола кетинг, арзон бераман». Йўқ-йўқ, алдайсизлар-ку деб юбордим бехосдан. Сутчилардан бири «Нега алдарканмиз, тошганимизни болаларимизга олиб борамиз-а. Худодан қўрқамиз, деди. Бу қаймоқни олмабсиз, ҳузурини билмабсиз». Мен ҳам бу гал зора росмана қаймоқ бўлса, деган хаёл билан харид қилдим. Афсуски, уйга бориб яна ҳанг-манг бўлдим. Шунчалик ҳам бўладими? Одамларга нима бўлган ўзи?! Наҳотки, болаларини ўртага қўйиб, гуноҳга қўл уришса-я. Ахир, оқлиққа хиёнатнинг, оқибати ёмон деган гаплар бор-ку?! Бунинг ўрнига Оллоҳдан баракасини сўраб, шукр қилсак бўлмайдими? Қўшиқда айтилганидек, одам бўлиб келдик, одам бўлайлик дейман-да...

■ **Шарофат ХУРРАМОВА**

ОАО «LAZZAT»

сообщает о проведении годового общего собрания акционеров 28 июня 2001 года в 15-00 по адресу: г. Гулистан, ул. Ахмедова 3.

Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании, составлен на 19 мая 2001 года.

В повестку дня внесены следующие вопросы:

- *Утверждение отчета о финансово-хозяйственной деятельности, 2-ЦБ, баланса и счета прибылей, убытков за 2000 г.*
- *Утверждение заключения ревизионной комиссии и аудитора.*
- *Выборы нового состава Ревизионной комиссии*
- *Утверждение аудитора на 2001 год.*
- *Распределение прибыли.*
- *Утверждение присоединения ДП «Лаззат» ОАО «Lazzat», акта сдачи-приема имущества по балансу между ДП «Лаззат» и ОАО «Lazzat».*
- *Изменение месторасположения общества в связи с присоединением к нему ДП «Лаззат» и внесение соответствующих изменений и дополнений в Устав общества.*
- *Утверждение Генерального директора общества.*

В период подготовки к проведению общего собрания акционеры могут ознакомиться с интересующими их материалами по адресу: г. Ташкент, ул. Каракамышская, 4.
Просим акционеров, участвующих в общем собрании, иметь при себе паспорт или документ, удостоверяющий личность.

Наблюдательный совет ОАО «Lazzat»

КАЛТАКЛАШ ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ?

«Тартиб-интизомнинг калити калтакдадир» деган ибора аслида феодал даврида урф бўлган, дейди кўпчилик. Аммо бугунги кунда ҳам бир қатор давлатларда ушбу иборага амал қилиниши ҳайратланарли, албатта. Масалан, Малайзиянинг Пинанг штатидаги мактабларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш учун яқиндан бошлаб калтак билан саваш жорий қилинган. Эндиликда ўқувчилардан кимдаким чекса ёки спиртли ичимлик ичса, қимор ўйнаса, муштлашса, дарсдан қолса, албатта, калтакланади. Бундай жазога «мушарраф» бўлиш учун улар махсус балл йиғишлари керак, яъни ҳар бир айб учун 10 балл жарима баҳо белгиланади. Шу 10 баллга бир калтак ёзилади. Баллар йиғиндиси 50 га етганда жазо ижро этилади, яъни айбдор 5 марта саваланади ва бир ҳафта дарсга киритилмайди. Демак, бу ўз-ўзидан йиллик ўзлаштириш ҳамда қолдирилган дарслар сонига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Майда тартиб бузувчиларга эса, яъни ўқувчи мактабга сочини бўяб келса ёки мактаб деворига чизса, ёзса, дарсга йиртиқ ёки кир-чир уст-бош билан келса, 5 баллик баҳо билан «сийланади» ва бу баллар ҳам белгиланган меъёрга етса жазо ижро этилади, деб хабар беради «Покистон таймс» газетаси.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 28 июнь, 6, 13 июль кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. *Зангиота тумани Эшонгузар қўрғонида жойлашган Зангиота тумани соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли «Деҳқонобод» фельдшерлик-акушерлик пункти биноси.* ***Бошланғич баҳоси — 180000 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).***
2. *Чирчиқ шаҳар Горький кўчасидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 2 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг* ***бошланғич баҳоси — 106720 сўм.***
3. *Паркент шаҳри Сурхи мавзесидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 4 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг* ***бошланғич баҳоси — 51852 сўм.***
4. *Паркент тумани Бойқозон қўрғонидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 8 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг* ***бошланғич баҳоси — 17400 сўм.***
5. *Паркент тумани Ҳисарак қишлоғидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 10 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг* ***бошланғич баҳоси — 26100 сўм.***
6. *Паркент тумани Номданак қишлоғидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 13 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг* ***бошланғич баҳоси — 26100 сўм.***
7. *Юқоричирчиқ тумани Янгибозор қўрғонидаги сатҳи 600 кв.м. бўлган 25 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг* ***бошланғич баҳоси — 62988 сўм.***
8. *Янгийўл тумани Автомобиль йўллари бошқармасига қарашли:*
   — *«УАЗ-31512» русумли, давлат рақами 70-59 ТША, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.* ***Бошланғич баҳоси — 765600 сўм.***
   — *«ИЖ-2715014» русумли, давлат рақами 00-79 ТШС, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.* ***Бошланғич баҳоси — 120000 сўм.***
   — *«ГАЗ-310290» русумли, давлат рақами 03-67 ТШВ, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.* ***Бошланғич баҳоси — 1204500 сўм.***
   — *«Нексия» русумли, давлат рақами 11 АВ 190, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.* ***Бошланғич баҳоси — 1874400 сўм.***
9. *Янгийўл шаҳар Санитария-эпидемиология станциясига қарашли «ВАЗ-2121» русумли, давлат рақами 37-76 ТША, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.* ***Бошланғич баҳоси — 216000 сўм.***

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йилдаги 24, 39, 48, 51, 59-сонларидаги эълонларга асосан савдога қўйилган ва сотилмай қолган ёки қайтган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари ўтказилади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел.: 133-77-18, факс: 133-49-31.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акмал Икромов тумани, халқа йўлидаги 5-саноат зонаси ҳудудида (18-автобус саройи ёнида) қурилиш материаллари билан савдо қилинадиган янги катта, замонавий чакана бозор очилди. Харидорлар бу ерда накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан турли хил қурилиш материаллари (цемент, металл қувурлар, тахта, шифер, ғишт, ДВП, ДСП, сантехника жиҳозлари ва ҳ.к.) ва квартираларни таъмирлаш учун зарур бўлган бошқа материалларни арзон нархларда харид қилишлари мумкин.

Бозоримизга марҳамат қилинг!
Алоқа учун телефонлар: 185-85-73, 131-97-97.
БОЗОР МАЪМУРИЯТИ

МУҲТАРАМ ХАРИДОРЛАР!
Бозорда Сизларнинг хизматингизда умумий овқатланиш шаҳобчалари, автотўхташ жойлари, харид қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 97-ўрта мактаб томонидан 1996 йил 19 июнда Гафурова Дилфуза Рахматуллаевна номига берилган ИZА №014984 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент фармацевтика институти томонидан 1971 йил 30 январда Саноат Султоновна Раҳимова номига берилган Щ№225033 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОАО «RAUPXON»

сообщает о проведении годового общего собрания акционеров 29 июня 2001 года в 15.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Каракамышская, 4.
Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров, составлен на 28 мая 2001 года.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

- *Утверждение отчета о финансово-хозяйственной деятельности, 2-ЦБ, баланса, счета прибылей и убытков за 2000 год.*
- *Утверждение заключения ревизионной комиссии и аудитора.*
- *Утверждение аудитора на 2001 год.*
- *Распределение прибыли.*
- *Организационные вопросы.*

В период подготовки к проведению собрания акционеры могут ознакомится с интересующими их материалами.
Наблюдательный совет ОАО «RAUPXON»

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:

ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA